



МУНОСАБАТ

ДУНЁҚАРАШИМИЗ, ҲАЁТГА МУНОСАБАТИМИЗНИ ТУБДАН ЎЗГАРТИРИШИМИЗ ШАРТ

■ Президентимиз Ислоҳ Каримовнинг халқ депутатлари Тошкент вилояти Кенгашининг навбатдан ташқари сессиясидаги нутқи, ҳудуднинг келажаси ҳақида қайғуриб айтилган фикрлар, танқидий мулоҳазалар ҳамда илгари сурилган устувор вазифалар жойларда, хусусан, Олмалик шаҳрида ҳам чуқур ўрганилмоқда.

Айниқса, Давлатимиз раҳбари томонидан вилоят халқининг салоҳияти, иқтисодии, меҳнатқилиқига юқори баҳо берилгани ҳаммамизнинг кўнгилмизга тоғдек кўтарди, кучимизга куч, гайратимизга гайрат қўшди. Вилотимизга, қолаверса, ҳар биримизга бўлган ҳечқис қўл ва эътиборни юракдан ҳис қилдик.

Албатта, мамлакатимизда ишлаб чиқариладиган саноат маҳсулотларининг қарийб 15 фоизи, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг 12 фоиздан зиёди, иқтисодий ҳаётимизга жалб этилаётган инвестицияларнинг тахминан 10 фоизи, яъни ички маҳсулотимизнинг эса 9,7 фоизи вилоятимиз ҳиссасига тўғри келиши бизни хурсанд қилади, шу билан бирга, катта масъулият юклайди.

Навбатдан ташқари сессияда вилоятимиз катта имконият ва ресурсларга бой замин экани, лекин улардан унумли фойдаланилмаётгани таъкидланди. Бу ҳақиқатни тан олишимиз керак.

Президентимизнинг вилоятимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш билан боғлиқ долзарб масалалардаги таҳлилий-танқидий гапларини эшитиб, очиги, ҳижолат ҳам тортиб қолдик.

Ҳақиқатан ҳам, бир ўйлаб кўрайлик, бизнинг вилоятдаги каби мўл сув, унумдор tupроқ, кенг имкониятлар ҳеч қайси ҳудудда йўқ. Содда қилиб айтганда бўлса, Тошкент вилоятининг мусаммак хавоси, зиллоқ сувлари, серҳосил ерлари ҳаммамизнинг хаваси келади. Катта-кичик давралар, ўзаро суҳбатларда бу ҳақда кўп эшитганимиз. Ана шундай бойликнинг ичида яшаб, ундан самарали фойдаланмаслик уят бўлмайди.

Иш, хизмат сабаб бошқа вилоятларда бўлганимизда қайси бир ҳудудда сув танқислиги, бошқа бир ҳудудда эса ер шўрланганидан азият чекилаётганини ўз кўзимиз билан кўрганмишқ! Шунларни кўриб-билиб туриб, вилоятимиздаги имкониятларнинг қадрига етмасак, юракдан меҳнат қилмасак, ношукрулик бўлмайди.

Кўпчилиكنинг эсида бор, яқин йилларга ҳам Тошкент вилояти эришган ютуқлар республикамиз миқёсида бошқаларга ўрнатилиб кўрсатиларди. Бундан кўз юмолмаймиз, бу айни ҳақиқат. Шунинг учун сессияда билдирилган танқидий фикрлар, ҳудудимиз раванқи, фарзандларимиз келажасини ўйлаб айтилган гаплар ҳақида чуқур мулоҳаза юритиб, ўзимизга тегишли хулоса чиқариб олишимиз, керак бўлса, дунёқарашимиз, ҳаётга муносабатимизни тубдан ўзгартиришимиз зарур.

Демократик ислохотларга кенг йўл очилган ҳозирги шароитда ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш билан боғлиқ долзарб муаммоларни ҳал этишда депутатлар фаоллиги, айниқса, муҳим аҳамиятга эга, деб ўйлайман. Ўтган йилги фаолиятимизни шу нуқтаи назардан таҳлил қиладиган бўлсак, ютуқларимиздан кўра камчиликларимиз кўпроқ экани кўзга ташланади.

Масалан, шаҳримизда ечимини кутаётган ижтимоий масалалар кўплигига қарамадан, ўтган йили партия гуруҳимиз ташаббуси билан шаҳар Кенгаши сессиясида бор-йўғи битта масала кўриб чиқилди. Ваҳоланки, бугунги кунда Олмалик шаҳар Кенгашида партиямиздан сайланган 14 нафар депутат фаолият юритиб келмоқда. Яъни, ҳудуддаги муаммоларни чуқур ўрганиш, таҳлил қилиш ва улар ечимини бўйича тақлифлар киритиш учун катта имкониятга эгамиз.

Бундан кейин сессияда билдирилган устувор вазифалардан келиб чиқиб, ташаббускорлик ва талабчанликни кучайтиришимиз, одамларнинг ишончини оқлаш учун виждонан ишлаганимиз, депутат деган юксак мақомга муносиб бўлишимиз керак.

Мухриддин ҲАМЗАЕВ,
халқ депутатлари Олмалик шаҳар Кенгашидаги
ЎЗДП гуруҳи раҳбари.

БОШЛАНГИЧ ТАШКИЛОТ — АСОСИЙ ТАЯНЧ



Қибрай туманида ЎЗДПнинг 37 бошланғич ташкилоти фаолият кўрсатмоқда. Партиядошлар сафи 1500 нафардан ошди. «Фарҳод-Мадад-Шифо» шифохонаси қошидаги бошланғич партия ташкилоти энг намунали қуйи бўғинлардан бири ҳисобланади. Бу ерда хизмат қилаётган 120 нафар ходимнинг 40 нафари ЎЗДП аъзоси. Улар партиямиз

ғояларини тарғиб қилиш, Сайловолди дастурида белгиланган устувор вазифалар ижроси бўйича қатор ишларни амалга оширмоқда. Она ва бола саломатлигини мустаҳкамлаш, аҳоли тиббий маданиятини оширишга бағишланган давра суҳбатларини изчил ўтказиб келишмоқда.

ЎЗДП: УСТУВОР ВАЗИФАЛАР

АНИҚ МАҚСАД ВА АМАЛИЙ ИШЛАР

ЭЛЕКТОРАТ МАНФААТЛАРИГА ХИЗМАТ ҚИЛАДИ

Ўтган ойда Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши ҳамда Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги партия фракциясининг кенгайтирилган қўшма йиғилиши бўлиб ўтган эди. Унда Президентимизнинг 2015 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2016 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузада белгиланган устувор вазифаларни амалга оширишда партия ташкилотлари ва депутатлик бирлашмаларининг фаол иштирокчини таъминлаш, электро-

рат манфаатларини ҳимоя этиш бўйича ташаббускорликни кучайтириш масалалари муҳокама қилинган эди. Шундан келиб чиқиб, айни пайтда ҳудудларда партия ташкилотлари ва маҳаллий Кенгашлардаги гуруҳларнинг қўшма йиғилишлари ўтказилди. Уларда ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш масалалари муҳокама этилмоқда, давлат дастурлари, қонунлар ижроси юзасидан жамоатчилик ва депутатлик назоратини кучайтириш бўйича вазифалар белгилаб олинмоқда.

► Давоми 2-бетда.

ЎЗДП ГУРУҲИ ТАШАБУСИ БИЛАН

**МАКТАБГАЧА
ТАЪЛИМ
МУАССАСАЛАРИ
фаолияти ўрганилиб,
таҳлил этилиб,
аниқланган камчиликлар
доимий комиссия
йиғилишида атрофлича
кўриб чиқилгач,
тегишли қарор қабул
қилинди**

► Давоми 2-бетда.

САВОЛ ВА ЖАВОБ

— Қонунчилигимизда электрон шаклда сўров билан мурожаат қилиш кафолатлари таъминланганми?

Шоҳжаҳон ТўРАЕВ,
Тошкент киём-технология
институтини талабаси.



**Шухрат
МАМАЖОНОВ,**
Олий Мажлис
Қонунчилик
палатасидаги ЎЗДП
фракцияси аъзоси:

— Албатта, аҳолига қўшимча қулайлик яратиш, замонавий техника воситаларидан унумли фойдаланиш ва яна қатор жиҳатлар эътиборга олинган ҳолда, электрон ахборот олиш тизими жорий этилган. 2015 йилнинг 30 декабридан кучга кирган Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисидаги қонунда бу ҳақда белгиланди.

Қонуннинг 25-моддасига мувофиқ, ахборот эркинлиги принциплари ва кафолатлари тўғрисидаги қонуннинг 9-моддасига ўзгартиш ва қўшимчалар киритилди.

Эндиликда ҳар бир фуқаро ахборот олиш учун бевожуда ўз вакиллари орқа-

ли оғзаки, ёзма шаклдаги, шу жумладан, ахборот тизими орқали электрон шаклдаги сўров билан мурожаат этиш ҳуқуқига эга.

Шунингдек, ёзма сўровда мурожаат этувчининг электрон манзили кўрсатилиши мумкин. Бу мурожаат этувчининг сўровга ахборот тизими орқали электрон шаклда жавоб олишга розилигини билдиради.

Ёзма сўровга, шу жумладан, электрон ҳужжат тарзида юборилган сўровга имкон қадар қисқа муддатда, агар қонун ҳужжатларида бошқача қолида назарда тутилган бўлмаса, сўров олинган санадан эътиборан ўн беш кундан кейинги жавоб берилиши керак.



**255 аҳоли
пунктида
тоза ичимлик суви
таъминоти
яхшиланади**

Сирдарё

Сирдарё вилоятида аҳоли турмуш фаровонлигини янада яхшилаш, қишлоқларнинг обод ва файзли бўлишини таъминлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

2009 йилда 5 объектда тоза ичимлик суви тармоғи тортилган эди. 2015 йилда 5 тумандаги 55 объектда бу ишлар тугалланиб, 32 мингдан зиёд аҳолига ичимлик суви етказиб берилди. Жойларда 12 тик қудуқ қазилиб, 21 таси таъмирланди, дейилади Сирдарё вилоят ҳокимлиги расмий сайтыда.

Шунингдек, намунавий лойиҳалар асосида қурилаётган 16 уй-жой массивига сув қувурлари тортиш учун 3 миллиард 505 миллион сумдан зиёд маблағ сарфланди.

Келгусида белгиланган дастурга кўра, 255 аҳоли пунктида тоза ичимлик суви таъминотини янада яхшилаш юзасидан чоралар кўрилмоқда.

«Tempus» дастури бўйича

ДАВРА СУҲБАТИ БЎЛИБ ЎТДИ

Самарқанд иқтисодий ва сервис институтини Европа Иттифоқи «Tempus» дастурининг «Uzdoc: Ўзбекистонда олий таълимдан кейинги таълимнинг (докторантура) сифатини ошириш» лойиҳаси доирасида давра суҳбати бўлиб ўтди.

Унда Бельгия, Испания, Греция, Хорватия ва Словениядан ташриф буюрган олимлар, экспертлар, Нукус ва Қарши давлат университетлари, Ўзбекистон маданият ва санъат ҳамда Тошкент молия институтлари профессор-ўқитувчилари иштирок этди.

Таъдбирда мамлакатимиз олий таълим тизимининг жаҳон таълим маконига интеграциялашувини фаоллаштириш, олий таълим муассасаларида тайёрланаётган кадрлар сифатини яхшилаш, хусусан, катта илмий ходим-изланувчилар учун кенг имкониятлар яратиш масалалари муҳокама этилди.

Самарқанд вилоят ҳокимлиги расмий сайтыда хабар берилишича, давра суҳбати якунида лойиҳага мувофиқ олиб борилаётган илмий изланишларни амалиётга таъбиқ этишга доир тавсиялар ишлаб чиқилди.

Темир йўл вокзали

сентябрь ойда фойдаланишга топширилади

Бухоро

Шу кунларда Бухоро вокзалида қурилиш ишлари авжида. «Ўзбекистон темир йуллари» АЖ матбуот хизмати берган маълумотга кўра, янги қурилаётган вокзал биноси икки қаватдан иборат бўлиб, бир йўла 200 нафардан ортиқ йўловчига хизмат кўрсатиш имкониятига эга бўлади. Ундан меҳмонлар учун VIP зали ҳамда дам олиш хоналари ўрин олади. Шу билан бирга, навбатчилар, видео кузатув назорати, она ва бола учун махсус хоналар ҳамда тиббиёт пункти, маълумотхона ва буфет ташкил этилади.

Бухоро вокзали жорий йилнинг сентябрь ойда фойдаланишга топширилиши режалаштирилган.

ЎЗДП: ФАКТ ВА РАҚАМЛАР

2015 йилда ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ФАРФОНА ВИЛОЯТ, ТУМАН ВА ШАҲАР КЕНГАШЛАРИДАГИ ЎЗДП ГУРУҲЛАРИ АЪЗОЛАРИ ТОМОНИДАН ТЕГИШЛИ ТАШКИЛОТ ВА ИДОРЛАРГА 711 ДЕПУТАТЛИК СЎРОВИ ЮБОРИЛДИ.

САМАРҚАНД ВИЛОЯТИДА 17 ЖАМОАТЧИЛИК ҚАБУЛХОНАСИ ФАОЛИЯТ ОЛИБ БОРМОҚДА. ЎТГАН ЙИЛИ ФУҚАРОЛАР ТОМОНИДАН 692 МУРОЖААТ БЎЛДИ. УЛАРНИНГ АКСАРИЯТИ ИЖОБИЙ ЕЧИМ ТОПДИ. ҚОЛГАНЛАРИГА ҲУҚУҚИЙ МАСЛАҲАТЛАР БЕРИЛДИ.

ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ СИРДАРЁ ВИЛОЯТ, ТУМАН ВА ШАҲАР КЕНГАШЛАРИДАГИ ЎЗДП ГУРУҲЛАРИДА 18 МАСАЛА, ДОИМИЙ КОМИССИЯЛАРДА 11 МАСАЛА КЎРИБ ЧИҚИЛДИ. 9 МАСАЛА СЕССИЯГА КИРИТИЛИБ, ТЕГИШЛИ ҚАРОРЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНДИ.

ЎЗХДП: УСТУВОР ВАЗИФАЛАР

■ Худудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш билан боғлиқ масалаларни кўтариб чиқишда шаҳар, туман партия ташкилотлари ва халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларидаги партия гуруҳлари ташаббускорликни ошириши талаб этилмоқда.

Аниқ мақсад ва амалий ишлар

электорат манфаатларига хизмат қилади

ЎЗХДП Сурхондарё вилоят кенгашининг кенгайтирилган йиғилишида шулар ҳақида сўз юритилди. Вилоят партия кенгаши мутасаддилари, туман, шаҳар кенгашлари раислари, депутатлар, фаоллар, ёшлар, оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этган йиғилишда вилоят партия ташкилоти ва гуруҳлари олдидан турган долзарб вазифалар муҳокама қилинди.

Маълумки, Давлатимиз раҳбари ўз маърузасида юртимизда меҳнатга лаёқатли аҳолини иш билан таъминлаш бўйича амалга ошириладиган ислохотларга тўхталиб ўтар экан, аввало, касб-хунар коллежлари ва олий ўқув юртлири битирувчиларини ишга жойлаштириш учун зарур шaroит яратиш лозимлигида алоҳида эътибор қаратди.

Йиғилишда сўзга чиққанлар шу масала бўйича ҳам фикр-мулоҳазаларини билдирди.

Чори Жумакулов, ЎЗХДП Сурхондарё вилоят кенгаши раиси, халқ депутатлари вилоят Кенгашидаги партия гуруҳи раҳбари:

— Вилоятимизда бу борада амалга оширилган ишлар қаторида йўл қўйилган камчилик ва муаммолар ҳам борлигини кўз юмолмаймиз. Мисол учун, 2014-2015 ўқув йилида вилоятда 43 минг 509 нафар битирувчи мустақил ҳаётга қадам қўйган бўлса, уларнинг 2 минг 365 нафари иш билан, таъминланмаган. Шўрчи туманида 368, Ангорда 286, Термиз туманида эса 114 нафар коллеж битирувчиси ишга жойлашмаган. Тадбиркорликни бошлаш астаб-секин

бўлган 2 минг 561 нафар битирувчидан 519 нафарига кредитлар ажратилган.

Фаолиятимизга танқидий-тахлилий назар ташлайдиган бўлсак, мақсадли дастурларга мувофиқ sanoat йўналишида Шеробод туманида 131 ва Шўрчи туманида 159 лойиҳа ўз вақтида амалга ошмади. Бундай мисолларни яна келтириш мумкин.

Худудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш билан боғлиқ масалаларни кўтариб чиқишда шаҳар, туман партия ташкилотлари ва халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларидаги партия гуруҳларига ташаббускорлик этишмади. Электорат манфаатларини ҳимоя қилишда қонуний ваколатлардан унумли фойдаланиш, айниқса, вакиллик органларида маҳаллий ҳокимликлар мансабдор шахсларнинг ҳисоботларини эшитиш амалиёти изчил йўлга қўйилмади. Бир нарсани асло эсдан чиқармаслигимиз зарур. Бугун зиммамиздаги масъулият юқори. Шунинг учун амалий ишларимизни кўпайтириб, фаолиятимизни кучайтирма-сак, ўзимиз ўйлаган обрўга эришолмаймиз.

Фаррух Абжалов, ЎЗХДП Сурхондарё вилоят кенгаши бўлими мудири:

— Ўтган йили Ҳаракат дастури ҳамда вилоят кенгашининг 2015 йил учун мўлжалланган иш режасига мувофиқ партия кенгаши пленумлари, ижрора қўмитанинг кенгайтирилган йиғилишларида 45 масала кўриб чиқилиб, тегишли қарорлар қабул қилинди. Бундан ташқари, халқ депутатлари вилоят, шаҳар ва туман Кенгашларидаги партия гуруҳлари томонидан 21 ма-



сала партия гуруҳларида, 17 масала шаҳар ва туман Кенгашларидаги доимий комиссияларда, 18 масала эса халқ депутатлари вилоят, шаҳар ва туман Кенгашлари сессияларида киритилди.

Жорий йилда оналар ва болаларга тиббий хизмат кўрсатиш сифатини янада яхшилаш, олис ва чекка худудлар, мураккаб иқлим шароитида яшаётган аҳоли, аввало, аёллар учун янада қулай шaroит яратиш, жамоатчилик ва депутатлик назоратини кучайтириш долзарб вазифаларимиздан биридир.

2016 йилга мўлжалланган Ҳаракат дастурига асосан бу йил электорат манфаатлари билан боғлиқ 14 масалани белгиланган муддатларда ўрганиб, халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлар сессияларида киритишимиз, энг муҳими, қабул қилинадиган қарорлар ижроси таъминланishiга эришишимиз зарур.

Жиззахда ўтган кенгайтирилган йиғилиш ЎЗХДП худудий кенгашлари олдидан турган вазифаларга бағишланди. Унда «Нуроний» жамғармаси Жиззах шаҳар бўли-

ми раиси, шаҳар Кенгаши депутати Хамроқул Маматқулов, Зафаробод, Фориш, Пахтакор туман партия кенгашлари раислари Холмурод Ережелев, Норинисо Ирисова, Зухра Умрзокова сўзга чиқиб, ўз фикр-мулоҳазалари билан ўртоқлашди.

— Ўтган йили партия гуруҳларимиз ташаббуси билан халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгаши сессияларида жами 13 масала кўриб чиқилди, — деди **вилоят Кенгашидаги партия гуруҳи аъзоси Хидир Шукуров**. — Шунинг асосида вилоятни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришга доир муҳим қарорлар қабул қилинди. Хўш, уларнинг ижроси қандай бўлди? Партияимиз гуруҳлари, депутатларнинг бу борадаги фаолияти қонирми? Албатта, бу саволлар ҳар биримизни ўйлантириши табиий. Очиғи, партияимиз Ҳаракат дастури, электорат манфаатларига тааллуқли таклифлар, ташаббуслар билан чиққан маҳаллий Кенгаш депутатлари бармоқ билан санарли эканидан кўз юмолмаймиз.

Масалан, касб-хунар коллежлари битирувчилари бандлиги билан боғлиқ масалани олайлик. Ўтган йили 18174 нафар битирувчининг 17718 нафари ишли бўлди, дейилди. Айрим ҳолатларда бирор-бир фермер хўжалиги ёки хусусий корхонага ишга жойлашган коллеж битирувчисини 2-3 ойдан сўнг суриштирсангиз, у ердан кетиб қолган бўлиб чиқади. Нега? Чунки шартнома номига тузилган ёки битирувчи бу ишда ишлашга тайёр эмас. Савол туғилади: кимни алдаяпмиз, депутатлар нега бу масалага эътиборни кучайтирмапти, худуддаги бошланғич партия ташкилотлари-чи? Нега улар масалани жойида ўрганиб, таклиф ва ташаббуслар билан чиқармапти? Албатта, ҳар бир депутат, ҳар бир партия гуруҳи бу саволлар ҳақида мулоҳаза юритиб, тегишли вазифаларни белгилаб олиши талаб этилади.

Йиғилишда, шунингдек, бошланғич ташкилотлар фаолиятини янада жонлан-тириш, электорат манфаатларини ишончли ҳимоялаш, амалий ишларни кўпайти-

Жорий йилда оналар ва болаларга тиббий хизмат кўрсатиш сифатини янада яхшилаш, олис ва чекка худудлар, мураккаб иқлим шароитида яшаётган аҳоли, аввало, аёллар учун янада қулай шaroит яратиш, жамоатчилик ва депутатлик назоратини кучайтириш долзарб вазифаларимиздан биридир.

риш бўйича таклифлар билдирилди.

ЎЗХДП вилоят кенгаши раиси Мўтабар Каримова партиявий интизом, депутат масъулияти, янги иш ўринлари яратиш, аҳолининг кам таъминланган қатлами манфиатларини ҳимоялаш тўғрисида сўз юритиб, доимий комиссиялар ҳамда маҳаллий Кенгашлар сессияларида масала киритиш, қабул қилинаётган қарорлар жиро-си устидан депутатлик назоратини кучайтириш зарурлигини таъкидлаб ўтди.

Таклифлар ҳам, ташаббуслар ҳам кўпроқ қўйдан бўлиши мақсадга мувофиқ экани қайд этилди. Зеро, қўйи бўғин фаоллари электорат манфаатларидан яхши хабардор. Улар бугун одамларни нималар ўйлантираётгани, қандай масалалар ташвишга солаётганини яхши билади.

Йиғилиш якунида ЎЗХДП сафига қабул қилинган бир гуруҳ ёшларга аъзолик гувоҳномалари топширилди.

Абдумалик ХАЙДАРОВ, Иброҳим ЖОНУЗОҚОВ, «Ўзбекистон овози» мухбирлари.

МУНОСАБАТ

Мамлакатимиз мустақил тараққиётининг чорак асри давомида нафақат иқтисодий жиҳатдан барқарор, балки ўзига хос адолатли жамият барпо этаётган давлат сифатида дунёга танилди. Бунда Президентимиз Ислон Каримов раҳнамолигида «Кучли давлатдан — кучли фуқаролик жамияти» сари тамойилнинг ҳаётга изчил татбиқи этилаётгани муҳим аҳамият касб этмоқда.

ЖАМИЯТ БАРҚАРОРЛИ- ГИНИНГ МУҲИМ ОМИЛИ

Президентимиз Ислон Каримовнинг халқ депутатлари Тошкент вилояти Кенгашининг навбатдан ташқари сессиясидаги нутқи жойларда кенг ўрганилмоқда

Зеро, бунинг ҳоҳишида инсон ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатлар ҳимоя қилинадиган, юрдошларимиз салоҳиятини юзага чиқариш учун зарур шaroитларни таъминлайдиган кучли, адолатли ва очик фуқаролик жамиятини шакллантириш муҳим мезон этиб белгиланган.

Юртимизда жамоатчилик назорати институти қарор тоғани барча соҳаларда очиклик, ошқоралиқ, шаффоқлик таъминланиши, пировардидан одилона иш юритилишига кенг йўл очмоқда. Бунга жаҳон амалиётида биринчи бўлиб Ўзбекистоннинг Асосий қонунида ўшу институт ҳуқуқий мақоми мустаҳкамлангани пухта замин яратди.

Кўриниб турибдики, бундай шaroитда қилинаётган ҳар бир иш жамоатчилик эътиборида бўлади. Бу жараён ўзини шу заминнинг фарзанди деб билган ҳар бир инсон, айниқса, раҳбар кадрлар зиммасида алоҳида масъулият юклайди. Улар эл-юртини ўйласа, унинг фаровонлиги, тинчлиги, келажиги учун фидоийлик кўрсатса, бу ҳеч қачон давлатнинг, асосийси, халқ назаридан четда қолмайди.

Президентимизнинг халқ депутатлари Тошкент вилояти Кенгашининг навбатдан ташқари сессиясида сўзлаган нутқини тинглаб шу фикрлар ҳайлимдан ўтди. Кейинги уч йилда вилоятимиз бўйича юз нафарга яқин элимизнинг муносиб фарзандлари Ватанимизнинг юксак унвонлари, орден ва медаллари билан тақдирлангани бунинг амалий ифодаси эмасми?

Бундай ҳайрли ишлар миқёси мамлакатимиз бўйлаб янада кенг. Дигида ватанпарварлик, қалбида иймонли бор одам борки, ана шундай инсонларга ҳавас қилади, улардан ибрат олади.

Шу ўринда алоҳида таъкидламоқчиманки, мустақилликнинг илк йилларидан бошлаб давлатимиз раҳбари жамиятда адолат барқарорлигини таъминлаш, бунда мансабдор шахс масъулияти ҳақида доимо қатъий талабларни қўйиб келган. «Халқ ҳар қандай қийинликка бардош бериши мумкин, аммо адолатсизликка чидай олмайдми!», деган фикрлари қанчалик халқчил, одамлар кўнглидаги гап эканлигини таърифлашнинг ҳоҳати йўқ, деб ўйлайман.

Масъулиятли лавозим ишониб топшириладиган шахслар бунинг кўнглига, виждонига жо этса, ҳеч қачон алдашмайди. Вилоятимизда шу борада айрим ноҳуш ҳолатларга йўл қўйилгани, кўпгина йўналишларда ечилимаган муаммолар, камчилик ва нуқсонларнинг танқид остига олингани таассуфланарлиқдир.

Зеро, заминимиз, ҳақиқатан, қатта ресурсларга жуда бой. Булардан унумли фойдалан-тириш, фаолиятимизни замон талаб қилаётган даражада ташкил қилиш зарур. Бу борада вилоятнинг кенг жамоатчилиги юқорида айтиб ўтилганидек, жамоат назорати институти ваколат ва имкониятларидан ўз ўрнида фойдаланиши янада кенгайтириши мақсадга мувофиқ.

Президентимиз вилоятимизнинг ерлари ҳақида жуда ўринли фикрни билдирди. Дараҳ-қият, «тупроғи зар» деган таъриф кўпроқ бизнинг заминга тегишли. Шўрланмаган, ён-атрофи етарлича сув манбаларига эга энг унмдор ерлардан унумли фойдаланиш, бу борада барча ресурсларни ишга солиш зарур.

Ернинг тилини биладиган мутахассисларнинг ёнига аграр соҳага оид замонвий бил-имларни чуқур оғлаётган ёшларни, маҳ-сулотларни қайта тишлаш соҳасининг етук мутахассисларини жалб қилиш, уларнинг фаолиятини бирлаштириш фойдадан холи бўлмайди.

Бир сўз билан айтганда, Юртбошимизнинг аҳоли турмуш фаровонлигини ошириш, бу йўлда барча куч ва имкониятларини сафарбар этиш, масъул шахсларнинг бурч ва масъули-яти ҳақидаги фикрларидан тўри хулоса чиқарилиши керак. Бу борада фаоллар, жамоатчилик, бутун аҳоли қўли-қўлга бериб фидокорона меҳнат қилиши шарт.

Нурмуҳаммад АБДУЛЛАЕВ, «Нуроний» жамғармаси Тошкент вилояти бўлими раиси, халқ депутатлари Тошкент вилояти Кенгаши депутати, ЎЗХДП гуруҳи аъзоси.

ЎЗА

ЎЗХДП ГУРУҲИ ТАШАББУСИ БИЛАН

МАКТАБГАЧА ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИ

фаолияти ўрганилиб, таҳлил этилиб, аниқланган камчиликлар доимий комиссия йиғилишида алоҳида атрофлига кўриб чиқилгач, тегишли қарор қабул қилинди

Халқ депутатлари Фарғона вилоят, шаҳар ва туман Кенгашларида ЎЗХДПдан сайланган 197 нафар депутат фаолият юритмоқда.

Маълумотларга кўра, вилоят маҳаллий Кенгашларидаги партия гуруҳлари ўтган йили худудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш билан боғлиқ 83 масалани атрофлига ўрганиб чиққан. Уларнинг аксарияти доимий комиссияларда, электорат манфаатлари ҳимоясига хизмат қиладиган энг долзарб 19 масала эса сессияларда муҳокама этилган. Бу рақамлардан хулоса қилиш мумкин-ки, маҳаллий Кенгашлар депутатлари, партияимиз гуруҳлари ташаббусларини кўпайтиришга, шу орқали жойлардаги муаммолар ҳал қилинишига алоҳида эътибор қаратмоқда.

2016 йил ҳам вилоят Кенгашидаги ЎЗХДП гуруҳи учун гоят масъулиятли воядан бошланди. Депутатлар «Фарғона вилоятидаги мактабгача таълим муассасалари фаолиятини янада яхшилаш, маъзур муассасаларда ўқув тарбия ишлари сифати ва самардорлигини ошириш тўғрисида»ги масалани батафсил ўрганди. Унинг натижалари вилоят Кенгашининг ёшлар сиёсати ва соғлом авлоднинг тарбиялаш масалалари бўйича доимий комиссияси йиғилишида атрофлига кўриб чиқилди. Маъзур масала муҳокамасига халқ таълими, тижорат банклари, молия муассасаларининг вакиллари

ҳам таклиф этилди.

— Мактабгача таълим муассасалари фаолиятини яхшилашда давлат таълими устувор вазифа сифатида қараб келади. Шунинг учун ЎЗХДП гуруҳи масалани ҳар томонлама чуқур ўрганиб, таҳлил қилганини алоҳида таъкидламоқчиман, — деди **доимий комиссия раиси Энаҳон Сиддиқова** йиғилишнинг очар экан. — Фарзандларимиз таълим-тарбияси ҳаммамиз учун долзарб вазифа ҳисобланади. Демак, бу масаладаги ютуқларни ҳам, камчиликларни ҳам очик-ойдин муҳокама қилишимиз керак.

Доимий комиссия йиғилишида вилоятда мактабгача таълим муассасалари фаолиятини ривожлантириш бўйича кенг қўламли ишлар олиб борилаётгани таъкидланди. Шу билан бирга, ечимини кутаётган камчиликлар аниқ факт ва рақамлар асосида таҳлил қилинди.

Маълум бўлишича, вилоятдаги бир қатор мактабгача таълим муассасаларида давлат талаблари қонир-карли бажарилмаётгани, биринчи тиббий ёрдам учун керакли дори-дармонлар етишмаслиги, аксарият муассасаларда мусика хоналари талабга жавоб бермаслиги, айниқса, қишлоқ жойлардаги муассасаларнинг моддий-техник базаси мустаҳкам эмаслиги кўзга ташланган. Депутатлар бундай ҳолатлар билан муроСа қилиб бўлмаслигини таъкидлашди.

Яна бир муҳим масала бор. Бола сифатли, витаминли озиқ-овқатлар билан таъминланиши муҳим аҳамиятга эга. Бу ҳам ҳар доим эътибор марказида туриши зарур.

Йиғилишда қатор туман ва шаҳарлар, хусусан, Кувасой, Богдо, Бешарик, Олтиарик, Қўштепа, Ёзёвон туманларидаги мактабгача таълим муассасалари фаолияти билан боғлиқ маълумотлар атрофлига кўриб чиқилди. ЎЗХДП гуруҳи аъзолари томонидан бу борада аниқ мисоллар келтирилди. Ўзқамалар чоғида шаҳар, туман халқ таълими, соғлиқни сақлаш, назорат этувчи ва молия идоралари вакилларидан мактабгача таълим муассасаларидаги ҳолат юзасидан изоҳ сўралди. Албатта, турли мулоҳазалар ўртага ташланди, муаммоларни ҳал қилиш бўйича ўзаро фикр алмашилди.

— Мақсадимиз кимнидир танқид қилиш эмас. Аслида камчиликларга ҳаммамиз жавобгаримиз, — деди **вилоят Кенгашидаги ЎЗХДП гуруҳи раҳбари Маҳмуджон Маҳкамов**. — Энди кучларни бирлаштириб, камчиликларни бартараф этиш учун биргаликда ҳаракат қилайлик. Айниқса, табиий газ этиб бормаган мактабгача таълим муассасаларини су-юлтирилган газ билан таъминлаш ҳамда унинг моддий таъминотини амалга ошириш чораларини кўриш зарур. Қиш мавсумида бу вазифани бир кунга ҳам ортга суриб бўлмай-

Фарзандларимиз таълим-тарбияси ҳаммамиз учун долзарб вазифа ҳисобланади. Демак, бу масаладаги ютуқларни ҳам, камчиликларни ҳам очик-ойдин муҳокама қилишимиз керак.

ди. Тегишли идоралар масъуллари ўшу масалаларга зудлик билан эътибор қаратиши лозим, деб ҳисоблаймиз.

Фарғона вилоятида 685 мактабгача таълим муассасаси фаолият кўрсатаяпти. Вилоятдаги 246087 нафар мактабгача ёшдаги болаларнинг 93162 нафари боғчаларга жалб этилган.

Албатта, вилоятда замонвий биноларда жойлашган, инглиз, рус тили, гимнастикага иxtисослашган намунали муассасалар талайгина. Уларни кўрган одамнинг ҳаваси келади. Ҳар бир боғча мутасаддилари зиммасидаги юксак масъулиятни ҳис қилиб, ишни замон талаби даража-сида йўлга қўйса, вилоятдаги яхши тажрибалардан ўрнак олса, мақсадга мувофиқ бўларди.

Шу ўринда доимий комиссия йи-

ғилишида қайд этилган айрим рақамлар ва фикрларни келтириб ўтиш лозим.

Вилоят Давлат санитария-эпидемиология назорати маркази бўлими мудири Ирина Улугназарова маълумотига кўра, 2015 йилда вилоятдаги мактабгача таълим муассасаларининг айримлари санитария талабларига жавоб бермагани учун қонунга мувофиқ жаримага тортилган. Айрим боғчаларнинг фаолияти эса тегишли танқидно-назорат асосида вақтинча тўхтатиб турилган.

— Доимий комиссия йиғилишида айтилган камчиликларни тан оламиз, — деб **сўз бошлади вилоят Халқ таълими бошқармаси бошлиғи ўринбосари Эъзозхон Қосимова**. — Биз ЎЗХДП гуруҳи ўрганиши натижаларини бошқармаимизда муҳокама қилиб, тегишли чора-тадбирлар белгиладик. Суюлтирилган газга мослашган ошхоналар ташкил этиш, хара-жатлар тартибига ўзгартиришлар киритиш масаласини ўрганиб чиқамиз.

Таклиф ва фикр-мулоҳазалардан сўнг доимий комиссияда қўрилган масаланинг аҳамияти ҳамда муҳим-лигини инобатга олиб, уни халқ депутатлари вилоят Кенгашининг навбатдаги сессиясига киритиш бўйича қарор қабул қилинди.

Муҳаммадхон ОБИДОВ, «Ўзбекистон овози» мухбири.



Маданият ва спорт ишлари вазирлиги ташаббуси билан Муқимий номидаги ўзбек давлат мусикий театрида «Лайли ва Мажнун» достони асосида яратилган Хуршиднинг икки пардали мусиқали драматси давлат буюртмаси асосида сахналаштирилди.

«Лайли ва Мажнун» асари Муқимий театрида намойиш этилади

Ўзбекистон халқ артисти Мирза Азизов томонидан сахнага олиб чиқилган мазкур спектаклда севги ва садоқат, пок муҳаббат ҳамда илоҳий севги тараннум этилади. Шунингдек, ижтимоий масалалар, яъни тенгсизлик, инсоний туйғулардан кўра, шон-шувратни юксак кўядиган кимсалар қисмати ҳамда икки севишган Қайс ва Лайлининг ўз аҳди йўлидаги қураши ва уларнинг қурбон бўлиши воқеалари акс эттирилган.

Янгича сахна безаклари ва мусиқа спектаклнинг таъсирчанлигини оширишга хизмат қилган. Ролларни театринг таниқли санъаткорлари ҳамда истеъдодли ёш актёрлар ҳам ижро этмоқда.

Дўстликда маданият ва аҳоли дам олиш маркази фойдаланишга топширилди

Дўстлик туманида замонавий маданият ва аҳоли дам олиш марказининг тантанали очилиш маросими бўлиб ўтди. Бу ҳақда Маданият ва спорт ишлари вазирлиги матбуот хизмати хабар бермоқда.

Унда Дўстлик тумани ҳокими Абдусаттор Бобоев ва бошқалар сўзга чиқиб, туман аҳолиси, айниқса, ёшларга яратилган кенг имкониятлар учун ҳукуматимизга миннатдорлик билдиришди.

Тадбирда туман бадий ҳаваскорлари, «Дўстлик чамани» ашула ва рақс халқ ансамбли ҳамда вилоятдаги таниқли санъаткорлар томонидан тайёрланган концерт дастури намойиш этилди.

Мазкур марказда 400 ўринли томоша зали, тўғарак хоналари мавжуд бўлиб, 58300 дан зиёд кишлоқ аҳолисига хизмат кўрсатади. Марказда бугунги кунда доира, рубоб, эстрада, рақс, шохмат-шашка каби тўғараклар фаолият олиб бормоқда.

Ошқовоқ уруғидан ўсимлик ёғи олиш усули ихтиро қилинди

Тошкент кимё-технология институти олимлари ошқовоқ уруғларидан ўсимлик ёғи олиш усулини ихтиро қилишди.

Интеллектуал мулк агентлигининг сайтыда ёзилганча, мазкур усул ёғ-мой саноати, тиббиёт соҳасида ошқовоқ уруғининг ёғи асосида доривор препаратлар олишга мўлжалланган. Унинг вазифаси қобилини ажратиш, мўтадил ҳароратда қуриштириш, технология жаравларини қисқартириш, биологик фаол моддалар ҳамда витаминлар таркиби юқори бўлган, озиқ-овқат, тиббиёт ва фармацевтикада қўллаш мумкин бўлган юқори сифатли ёғ олишдан иборат дейилади хабарда.

Муаллифлар жамоасига ушбу усул учун № IAP 05152 рақами патент берилди.

АЛИШЕР НАВОИЙ ТАВАЛЛУДИНИНГ 575 ЙИЛЛИГИГА

Ғазал мулкининг султониغا Эҳтиром

Президентимиз раҳнамолигида қадимий ва бой маданиятимизни, миллий қадриятларимизни тиклаш, буюк аждодларимиз қолдирган маънавий меросни ўрганиш, тадқиқ этиш ва кенг тарғиб қилиш бўйича кенг қўламли ишлар амалга оширилмоқда.

Турли шаҳарларимизда буюк мутафаккир аждодларимизнинг маҳобатли ҳайкаллари ўрнатилиб, атрофи кўкаламзорлаштирилиб, аҳоли, айниқса, ёшлар маданий дам оладиган масканларга айлантирилмоқда. Термиз шаҳрида ўрнатишга ташаббус қилган Алишер Навоий ҳайкалининг қўниқари томонида муҳташам «Бахт уйи», кинботар томонида Термиз давлат университети бинолари қад ростлаган. Оила қураётган ёш келин-куёвлар, таълим муассасалари ўқувчилари, талаба-ёшлар сўлим бу гўшани зиёрат қилиб, миллий қадриятларимизга хурмат бажо келтирмоқда, алломаларимиз меросидан маънавий-руҳий қуваёт олмоқда.

Факультетимиз талабалари буюк сўз зарғари ҳайкалини зиёрат қилишга тез-тез келиб туришади. — дейди Термиз давлат университети хорижий тиллар факультетининг инглиз тили ўқитувчиси Абдулла Худойкулов.

Уларнинг орасида беназир шoir асарларини хорижий тилларга ўширатган ёшлар ҳам кўп. Алишер Навоий асарларида одамни эзгуликка етаклайдиган, инсонни камолотга етказадиган энг ақин йўллар кўрсатилиб, инсонпарварлик, вафо ва садоқат, қаноат ва ростгўйлик каби олижаноб фазилатлар юксак бадий ифодасини толган. Зеро, Президентимизнинг «Юксак маънавият — энгилмас куч» асарида таъкидланганидек,



«Алишер Навоий халқимизнинг онги ва тафаккури, бадий маданияти тарихида бутун бир даврни ташкил этадиган буюк шахс, миллий адабиётимизнинг тенгсиз намоянчаси, миллиятимизнинг гурури, шаъно шарофини дунёга тараннум қилган ўлмас сўз санъаткоридир».

Инглиз тилини пухта ўрганиш учун дарсдан бўш вақтда таржима тўғарагида ҳам иштирок этаман, — дейди Термиз давлат университети хорижий тиллар факультети учинчи курс талабаси Мадина Рўзиева. — Алишер Навоий асарларини инглиз тилига

Алишер Навоий меросини ўрганишга жаҳон миқёсида эҳтиёж тобора ортиб бораётгани ҳам халқимиз маънавиятининг нақадар буюк ва бой эканлигидан далолат.

таржима қилиб, хорижлик тенгдошларимизни ундан баҳраманд қилиш менинг олий мақсадимдир. Буюк шoir «Хайрат ул-абсор» достонида шундай ёзади:

То бани Одам ила олам эрур, Олам ичинда бани Одам эрур. Адл ила олам юзин обод қил, Хулқ ила олам элини шод қил. Яъни, одамзот ва олам бор экан, олам ичинда одамзот яшар экан, адолат билан олам юзини обод қилиш, яхши хулқ билан одамларни шод қилиш зурурлигини уқритмоқда.

Айни кунларда мамлакатимизнинг барча ҳудудларида бўлгани каби Сурхондарё вилоятида ҳам ғазал мулкининг султони Алишер Навоий таваллудининг 575 йиллиги муносабати билан адабий-бадий анжуманлар, маънавий-маърифий тадбирлар ўтказилмоқда. Буюк мутафаккирнинг ҳайкали ўрнатишга майдон ҳам ғазал бўстонига ташна калбларни ўз бағрига чорлаётди. Умумтаълим мактаблари, академик лицей ва касб-хунар коллежларида ташкил этилаётган давра суҳбатлари, учрашуви ва бадий кечаларда профессор-ўқитувчилар, адабиётшунос олимлар ўлмас сўз санъаткорининг ибратли ҳаёти ва юксак инсонпарварлик гоёлари билан йўғрилган асарлари хусусида сўз юритмоқда.

Ёшларнинг онгу шуурига Алишер Навоий ижодий меросини чуқур синдириш айнақса бугунги таҳликали замонда янада муҳим аҳамият касб этмоқда. — дейди **вилоят халқ таълими бошқармаси бошлиғи Алишер Пардаев.** — Таълим муассасаларида таниқли адиблар, олимлар, маданият намояндалари иштирокида ташкил этилаётган учрашуви ва бадий кечалар ёшларни ватанпарварлик ва миллий қадриятларимизга хурмат руҳида камолга етказиш, уларнинг дунёқараши, тафаккурини юксалтиришга хизмат қилаётгани билан аҳамиятлидир. Бинобарин, адабий учрашувлар, илмий-амалий семинарлар, мушоира кечалари, турли кўрик-танловлар ўтказилмоқда.

Инсон ҳаётида яхши ном қолдириши, умрини эзгу амал ва яхши хулқ билан беэши муҳимлигини юксак бадий ифодаларда тараннум этган Алишер Навоий меросини ўрганишга жаҳон миқёсида эҳтиёж тобора ортиб бораётгани ҳам халқимиз маънавиятининг нақадар буюк ва бой эканлигидан далолат.

Х.МАМАТРАЙИМОВ, ЎЗА мухбири.

СПОРТ

Фарғонада футбол бўйича қарийб икки ҳафта давом этган анъанавий «Вилоят ҳокими кубоги» турнири ниҳоясига етди.

«Нефтчи» — турнир голиби!

Мусобақа финалида мезбонларнинг «Нефтчи» ҳамда Навоийнинг «Кизилқум» жамоалари ўзаро куч синашди. Шиддатли ва муросасиз кечган баҳсда Шукуралли Пўлатовнинг 75-дақиқада пенальтидан киритган ягона голи фарғоналикларга ғалаба келтирди.

Ушбу турнир жамоамиз учун янги мавсум олдидан ўзига хос тайёргарлик вазифасини ўтади, — деди **«Кизилқум» футбол клуби бош менежери Хамиджон Актамов.** — Мусобақа давомида олтита учрашувда

майдонга тушдик. Уларда бир қатор янги футболчилар кўриқдан ўтказилди. Жамоамиз ўйин услубини шакллантиришда ҳар бир учрашув муҳим аҳамият касб этди. Ўқув-машғулот йигинини маромида ўтказиш учун етарли шарт-шароитларни яратиб бергани учун ташкилотчиларга ўз миннатдорчилигимизни билдираемиз. Менимча, жамоамиз кўрсатган ўйинлар фарғоналик муҳлис-ларга ҳам манзур бўлди. Турнир голиби бўлган «Нефтчи» жамоасини табриклайман.

РЕКЛАМА

Каракалпакский филиал ООО «Агросаноат мулк маркази» сообшцает:

10 марта 2016 года в 15:00 в городе Нукусе в зале заседания Комитета по демонополизации и развитию конкуренции Республики Каракалпакстан проводятся открытые аукционные торги, на которых в порядке последовательного роста начальных цен выставляется на продажу:

транспортное средство, принадлежащее фермерскому хозяйству «Тажимуратов Даврон» Амударьинского района.

Мотоцикл марки «Хамкор 200СС», 2015 года выпуска, гос/номер 95/718СА. Начальная цена — 3 000 000 сумов. Прием заявок от желающих участвовать в аукционных торгах производится с 9.00 по 18.00 ежедневно, кроме субботы и воскресенья. Прием заявок прекращается за один день до начала аукционных торгов. Покупатель вносит залог не менее 15 процентов

от первоначальной стоимости заявленного имущества с указанием номера и даты исполнительного документа в справке уплаты на р/с 20208000204970498001, МФО 00585, ИНН 207145085 Каракалпакского филиала ООО «Агросаноат мулк маркази» в АК «Турор» банк. Информацию об объектах можно получить по адресу: город Нукус, улица Амира Темира, дом 122 а. Телефон для справок: (0-361) 222-55-84.

Удостоверение № 006388 Услуги лицензированы.

«Бунёдкор» ғалабани кўзламоқда

Бугун китъамизнинг бир қатор шаҳарларида футбол бўйича Осн чемпионлар лигаси «плей-офф» учрашувлари ўтказилди. Тошкентнинг «Бунёдкор» футболчилари гуруҳ баҳслари йўлланмаси учун Бирлашган Араб Амириликларининг «Аш-Шабаб» жамоасига қарши майдонга тушади.

Янги мавсумга ўтган йилнинг 14 декабридан тайёргарликни бошлаганидек, — дейди «Бунёдкор» футбол клуби директори Бахтиёр Бобоев.

— Йил охирига қадар урта ўртоқлик учрашуви ўтказдик. Январ ойи бошида Дубайда 25 нафар футболчи билан йигин уюштирилди. Бирлашган Араб Амириликларида бир қатор кучли жамоаларга қарши олтирта ўртоқлик ўйинида майдонга тушдик. Мазкур назорат учрашувларида кўплаб янги футболчиларни синовдан ўтказиб олдик.

«Бунёдкор» жамоаси мураббийлар штаби тарихини янада кучайтириш мақсадида янги

мавсум олдидан болонлик легионер Александр Алимиевич («Олмалик»), Шаҳзодек Нурматов, Жавлон Мирабдуллаев («Металлург»), Баҳодир Насимов («Падидех», Эрон) каби футболчиларни ўз сафига қўшиб олди.

«Бунёдкор» — «Аш-Шабаб» жамоалари баҳсини жанубий корейлик Ким Дон Жин бошқариб боради.

Учрашуви 9 февраль куни соат 17:00 да бошланади.

Эркин ХОЛБОБО

AVTOSALON «SARDOR AVTO INVEST»

ZAZ	ZAZ Forza Дэ.: 109 л.с. Бензин / газ	
LADA	Нива бизнес-линей, 4х4 Дэ.: 90,92 л.с. — Бензин / газ	
GAZ		

Тўлов турри: НАҚД, ТЕРМИНАЛ, ПЎЛ УТЎАШИШ, КРЕДИТ, ЛИЗИНГ

Манзил: Тошкент ш., Амир Темир шоҳ кўчаси, 110-уй.
Муължал: Телевизион минора қаршисида.
Телефонлар: (+998 71) 212-08-70, (+998 95) 177-01-17, (+998 95) 194-34-51.
www.sardor-avto.uz

Маълумотлар сертификатланган
Хизматлар лицензияланган

2016 ЙИЛ — СОҒЛОМ ОНА ВА БОЛА ЙИЛИ

Фарғона вилояти кўп тармоқли тиббиёт маркази замонавий «Philips Allura Clarity» русумли ангиография мажмуаси билан таъминланди.

ЗАМОНАВИЙ ТИББИЙ МАЖМУА

Шу муносабат билан ташкил этилган тадбирда Президентимиз раҳнамолигида соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилиш жараёнида, айниқса, кишлоқ врачлик пунктлари, ихтисослаштирилган тиббиёт марказларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, шифо масканларини замонавий тиббий жиҳозлар билан таъминлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Фарғона вилояти кўп тармоқли тиббиёт марказига келтирилган замонавий жиҳозлар бунинг яна бир тасдиғидир.

Соғлом она ва бола йилида беморларга сифатли тиббий хизмат кўрсатишни янада юксалтириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги Голландиянинг «Philips Healthcare» компанияси билан ҳамкорликда вилоят кўп тармоқли тиббиёт маркази қошида интервенцион кардиология бўлиминини ташкил этиш лойиҳасини амалга оширмоқда.

Бундай замонавий тиббий жиҳозлар мажмуаси барча турдаги томир хасталикларини даволашда муҳим аҳамиятга эга. Бу ерда кардиология, қон томир ва кўкрак қафаси хирургияси, нейрхирургия, неврология, эндокринология, урология соҳаларидаги беморлар дардида шифо топади.

Интервенцион кардиология бўлими ташкил этилиб, ангиография мажмуасини келтирилиши нафақат Фарғона вилояти, балки мамлакатимиз тиббиётида ҳам катта воқеадир, — дейди Республика ихтисослаштирилган хирургия маркази директори ўринбосари М.Уфаров. — Мазкур технология ёрдамида бажариш мумкин бўлган энг қийин жарроҳлик амалиётларини энди ўзимизнинг шифокорлар баҳарида. Билмига чанқок, интилувчан ёш мутахассисларимиз бу ускуна билан ишлашга тайёр. Овқ учдаги майда томирлардан тортиб, бош мия томирига-ча ангиография текширувидан ўтказилади. Кўп томири орқали мия томирдаги нуқсонни ҳам тузатиш мумкин. Бажарилаётган барча амаллар экранда намён бўлади. Энди юрак хуруғи, инфарктынинг олдини олиш имконияти яратилди.

Тадбир доирасида юрак-қон томир касалликлари диагностикаси ва уни замонавий даволаш усуллари мавзусига бағишланган илмий-амалий анжуман ҳам бўлиб ўтди.

Тадбирда Фарғона вилояти ҳокими Ш.Ғаниев сўзга чиқди.

М.СУЛАЙМОНОВ, ЎЗА мухбири.

ОБ-ҲАВО	09-10.02 — 2016
Юртимиз бўйлаб (°C)	
Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилояти	-3 / +2
Бухоро ва Навоий вилоятлари	+2 / +7
Тошкент, Самарқанд, Жиззах, Сирдарё вилоятлари	+2 / +7
Қашқадарё, Сурхондарё вилоятлари	+2 / +7
Андижон, Наманган, Фарғона вилоятлари	+2 / +7
Тошкент шаҳри	+3 / +5
Дунё бўйлаб (°C)	
Лондон	+7 / +9
Париж	+11 / +10
Москва	+1 / +3
Мадрид	+12 / +12
Пекин	+10 / +9
Канберра	+33 / +32
Рим	+15 / +13
Афина	+14 / +17

Ўзбекистон ХДП Тошкент вилояти кенгаши Пискент туман партия кенгаши раиси Дилбар Комиловага онаси **Файзиниса ЗОКИРОВА**нинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

ЎХДП Сирдарё вилоят кенгаши партия фахрийси **Сайдулло АБДУҚОДИРОВ**нинг вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига чуқур таъзия изҳор этади.

MUASSIS:

Bosh muharrir: **Safar OSTONOV**

TAHRIR HAY'ATI:

Abdulla O'RIPOV	Ulug'bek MUSTAFOYEV	Saidahmad RAHIMOV
Hotamjon KETMONOV	Muslihdiddin MUHIDDINOV	Farrux HAMROYEV
Ulug'bek VAFOYEV	Rustam KAMILOV	Tat'yana KISTANOVA
	Ochilboy RAMATOV	

(Bosh muharrir birinchi o'rinbosari)
(Bosh muharrir o'rinbosari)

Qabulxona — 233-65-45

Xatlar va murojaatlar uchun — 233-12-56

E-mail: info@uzbekistonovozi.uz

MANZILIMIZ:
100000, Toshkent, Matbuotchilar ko'chasi, 23-uy.

Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0006-raqam bilan 2007-yil 11-yanvarda ro'yxatga olingan.

Sharq nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi.
Korxonalar manzili: Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.
Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi — 2 bosma taboq.

Gazeta seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi.

«O'zbekiston ovozi» materiallarini ko'chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.

Navbatchi: **Mirbaxtiyor MIRFAZIYEV**

Sahifalovchi-dasturchilar: **Zafar BAKIROV Behzod ABDUNAZAROV**

ISSN 2010-7433

1 2 3 4 5